

## O‘ZBEKISTONNING ENG YANGI TARIXI MASALALARI BO‘YICHA MUVOFIQLASHTIRUVCHI-METODIK MARKAZNING 2-BOSQICH TAYANCH DOKTORANTI

**Nafosat Egamberdiyeva**

Mustaqillik yillarida o‘zbek xalqining tarixi, milliy merosi, milliy qadriyatlari, urf-odat hamda an‘analariga bo‘lgan qiziqishning ortishi bugungi kunda tarix va etnologiya fanida tadqiqotlar ko‘lamining yanada kengayishiga sabab bo‘lmoqda. Jumladan, bu davrda yaratilgan tadqiqotlar ilmiy-nazariy jihatdan hunarmandchilik tarixiga xolis yondashilganligi va keng ko‘lamdagi manbalardan foydalanilganligi bilan sovet davridagi tadqiqotlardan ajralib turadi<sup>51</sup>.

Mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab hunarmandchilik masalasi ko‘plab tadqiqotlarda yoritila boshladi. Jumladan, qator tarixiy, etnografik va arxeologik ishlardan O‘zbekistonning janubiy hududlari hunarmandchiligini o‘rganishda qiyosiy material sifatida foydalanish mumkin<sup>52</sup>. G.A. Agzamova tadqiqotida O‘rta Osiyo, qolaversa, Buxoro amirligi davrida jamiyat hayotida muhim o‘rin tutgan shaharlar taraqqiyoti aynan hunarmandchilik va savdo-sotiq rivoji bilan bog‘liqligi ilmiy tahlil etilgan<sup>53</sup>. Shuningdek, hunarmandchilik buyumlarining ichki va tashqi savdosi masalalari, bozorlar hamda karvonsaroylar to‘g‘risida qimmatli fikrlar keltiriladi.

O‘zbekistonda an‘anaviy hunarmandchilikning rivojlanish bosqichlari yoritilgan “O‘zbekistonning badiiy hunarmandchiligi atlası”da janubiy hududlar hunarmandchiligi tarixining turli masalalariga oid ba‘zi fakt va ma‘lumotlar keltirilgan<sup>54</sup>. Atlasdan hunarmandchilikka oid oq-qora rangli arxiv suratlari, hunarmandchilikning muayyan

<sup>51</sup> Ахмеджонов Г.А. Российская империя в Центральной Азии (Историография колониальной политики царизма в Туркестане). – Ташкент, 1995; Мусаев Н. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. – Тошкент, 2008; Мукминова Р.Г. Позднефеодальные Бухара и Самарканд – центры связей Средней Азии с сопредельными странами, Россией и Европой // Актуальные проблемы исторической науки. Позднефеодальный город Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 90-100; Хабибуллаев Н.Н. Коканд центр производства писчей бумаги // Актуальные проблемы исторической науки. Позднефеодальный город Средней Азии. ... - С. 57-69; Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX вв.: Ремесло, торговля и пошлины. – Ташкент: Фан, 1991. – 121 с.

<sup>52</sup> Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывающие их с Россией.: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1990. – 195 л.; Фармонова Б.А. Ремесленное производство в Ферганской долине во второй половине XIX – начале XX в.: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 156 л.; Қиличев Р. Бухоро шаҳрида хунармандчилик (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари): Тарих фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 1997. – 185 в.; Жумаев Қ.Ж. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъати: Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2003. – 158 в.; Очилдиев Ф.Б. XIX – XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007.

<sup>53</sup> Агзамова Г.А. Ўрта Осиё хонликларида хунармандчилик ва савдо.: Тарих фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 348 в.

<sup>54</sup> Atlas of Central Asian artistic crafts and trades. A. Khakimov – author of the scientific project and author of the next chapters – Introduction. Ceramics, Copper Embossing, Knife making.. Қаранг: Atlas of artistic and trades of Central Asia. Vol. I. – Tashkent, 1997. – P. 158.

turiga ixtisoslashgan markazlarni ko'rsatuvchi xarita, atamalar izohi, ustalar haqida qisqacha biografik ma'lumotlar o'rin olgan.

Davriy nashrlarda O'zbekiston janubiy hududlari hunarmandchiligi tarixiga doir qator san'atshunoslik va boshqa yo'nalishlarda olib borilgan tadqiqotlar natijasida to'plangan ma'lumotlar uchraydi<sup>55</sup>.

Milliy hunarmandchilik mavzusi yuzasidan pedagogika va psixologiya yo'nalishidagi tadqiqotlarda hunarmandchilikda usta-shogird an'analari, hunar odobi, shogirdlik burchi va vazifalari, ustalarning yosh hunarmandlarga tarbiya berish uslublari, yoshlarga hunar o'rgatishda ajdodlar merosidan foydalanishni pedagogik yo'l-yo'riqlari va nazariy xulosalar yoritilgan<sup>56</sup>. Masalan, pedagogik ta'lim va tarbiya xarakteriga ega bo'lgan V.Mazur tadqiqotida hunarmandchilikda usta-hunarmandlarni tayyorlash uslublariga e'tibor qaratilgan<sup>57</sup>.

S. Bulatov o'zbek xalqi amaliy bezak san'atining naqqoshlik, zargarlik, kashtachilik, zardo'zlik, gilam to'qish, yog'och hamda tosh va suyak o'ymakorligi, kulolchilik, pichoqchilik, kigiz bosish, savatchilik va bo'yirachilik tarixi, ish jarayonlari, uslublari, jihozlari, asbob-uskunalar, xomashyolari, rang ornamentlari, bezaklari, ularni tayyorlash va ishlatish jarayonlarini rang-barang tasviriy lavhalar misolida ko'rsatib beradi<sup>58</sup>. Muallif xalq amaliy bezak san'ati haqida nazariy-metodologik yo'l-yo'riqlar asosida ilmiy va tarixiy ma'lumotlarni ham keltirib o'tgan.

Surxondaryo viloyati sanoat korxonalarining mustaqillikning ilk yillaridagi faoliyati, xususiylashtirish va mulkchilik shakllariga doir qimmatli fikrlar E. Qobilov risolasida keltirilgan<sup>59</sup>.

<sup>55</sup> Шоёқубов Ш. Хунармандчилик қанот ёймоқда // Гулистон. – Тошкент, 1995. – № 3. – Б. 24; Ҳақимов А. Ўзбекистоннинг бадиий кулолчилик мактаблари // Восток. – Тошкент, 1999. – № 1. – Б. 76-79; Гюль Э. Хунармандчилик анъаналарини сақлаб // Сан'ат. – Тошкент, 1999. – № 2. – Б. 32; Низомов А., Низомова М. Гилам жилоси // Moziydan sado. – Тошкент, 2003. – № 3-4. – Б. 66-67; Ҳақимов А. Бойсун каштаси // Moziydan sado. – Тошкент, 2004. – № 1. – Б. 2-7; Носирова З. Бойсун мўъжизаси // Moziydan sado. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 8-11; Ўша муаллиф. Бойсун нақшларидаги баҳор ифори // Moziydan sado. – Тошкент, 2008. – № 1. – Б. 7-9; Ўша муаллиф. “Оқ-энли” гилами: пайдо бўлиши, бадиий хусусиятлари ва уни қайта тиклаш муаммолари // Сан'ат. – Тошкент, 2008. – № 2. – Б. 23-26; Ҳақимов А., Насирова З. Косонсой анъанавий каштачилиги // Moziydan sado. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 8-12; Khakimov A., Z.Nasirova. Traditionelle Stickerei im Westen des Gebietes Kashkadarja // “Vostok”. – Германия, 2009. – № 1. – Б. 72-75; Ўша муаллиф. Қашқадарё вилоятининг анъанавий хунармандчилиги // Моziйдан садо. – Тошкент, 2008. – № 4. – Б. 2-7; Мамадиёрова Ю. Шахрисабз ироқи каштачилиги // Moziydan sado. – Тошкент, 2008. – №4. – Б. 8-10.

<sup>56</sup> Зоҳидова Д.А. Ўрта касб-хунар таълимида ўрта аср шарқ хунармандлар тайёрлаш технологиясидан фойдаланиш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2002. – 205 в.; Юлдашев Х. Хунармандчилик сирларини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2004. – № 1. – Б. 10-11; Ўша муаллиф. Кичик мутахассислар тайёрлашда “Усто-шогирд одоби” анъаналаридан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари (амалий безак санъати мисолида). Пед. фан. ном. дисс...- Тошкент, 2006. –156 б.; Булатов С.С. Ёшларга хунар ўргатишнинг миллий анъанавий асослари (методик тавсиянома). – Тошкент: РУМЦ, 1999; Ройл Д. ОТБнинг ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2004. – № 1. – Б. 5-6; Қосимов М. Касб-хунар таълимида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш омиллари // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2006. – № 2. – Б. 2-3.

<sup>57</sup> Мазур В.А., Давидова Л.Г. Миллий хунармандчиликка ўқитиш ва уни ташкил қилиш. – Тошкент, 1994. – 24 б.; Мазур В. Дидактические условия обучения национальным художественным ремеслам в профессиональных училищах Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1996. – С. 19.

<sup>58</sup> Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – 384 б.

<sup>59</sup> Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг ilk одимлари. – Термиз, 1993. – 114 б.

Q. Jumaevning tadqiqoti Buxoro hunarmandchiligining o'ziga xos turlaridan biri – kashtado'zlik hunariga bag'ishlangan<sup>60</sup>. Tadqiqotda kashtado'zlikning Buxoro kashtachilik maktabi, kashta turlari, kashta gullarining klassifikatsiyasi batafsil yoritiladi. Q. Jumaev tadqiqotida Shahrisabz kashtachilik maktabini alohida bob sifatida o'rgangan. Shuningdek, muallif Shahrisabz, Buxoro, Samarqand va Nurota kashtachilik maktablarining farqlari, umumiy xususiyatlari va ularga o'zaro aloqalar ta'sirini san'atshunoslik nuqtai nazaridan o'rgangan.

G. Dombrovskining maqolasida ham Shahrisabz kashtalari haqida umumiy ma'lumotlar keltirilsa-da, biroq unda tarixiy-etnologik tahlil yo'q<sup>61</sup>.

Buxoro amirligi ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy holati, hunarmandlarning hayoti va turmush tarzini arxiv hujjatlari asosida ochib berilgan R. Qilichev tadqiqotida Buxoroda mavjud hunarmandchilik sohalari (to'quvchilik, zargarlik, do'ppi ishlab chiqarish, chopon tayyorlash, metallni qayta ishlash, ko'nchilik, kulolchilik, poyabzal ishlab chiqarish)ning rivojlanishi masalalari yoritilgan<sup>62</sup>. Mazkur tadqiqot o'rganilayotgan mavzu doirasida XIX asr oxiri – XX asr boshlaridagi o'lkadagi mavjud siyosiy va iqtisodiy vaziyat, tarixiy jarayonlarni yoritishda muhim ahamiyatga ega.

D. Ziyeva XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida O'zbekiston shaharlari tarixini yoritishga bag'ishlangan tadqiqotida keng ko'lamdagi manbalardan foydalangan holda shaharlar hunarmandchiligiga oid qimmatli ma'lumotlarni keltiradi. Muallif, O'zbekistonning janubiy hududlarida o'sha davrda mavjud shaharlar hunarmandchiligining o'ziga xos jihatlariga ham to'xtalib o'tgan<sup>63</sup>.

Mustaqillik yillarida milliy hunarmandchilik mavzusini o'rganishda san'atshunoslar olib borgan tadqiqotlarni alohida ta'kidlash zarur. Akademik A. Hakimov va E. Gyul tomonidan hammualliflikda chop etilgan "Baysun. Atlas xudojestvennyh remyosel"<sup>64</sup> kitobi muhim ahamiyatga ega. Unda Surxondaryo vohasining Boysun tumani hunarmandchiligi borasidagi ma'lumotlar va qiziqarli foto suratlar keltirilgan. Kitobda Boysunning asosiy hunarmandchilik turlari va markaz (qishloqlari)larining joylashgan o'rnini, nomlari hamda lokal xususiyatlari tahlilga tortiladi. YuNESKO tashabbusi bilan yaratilgan bu kitobda Boysunda mavjud kashtachilik, gilamdo'zlik, kigiz tayyorlash, to'quvchilik, kulolchilik, ko'nchilik sanoati, sandiq tayyorlash, chodirlar tayyorlash, yog'ochga ishlov berish kabi hunar turlari haqida ma'lumotlar batafsil yoritilgan.

Hunarmandchilik tarixshunosligini tarixiy adabiyotlar va hunarmandchilik risolalari asosida talqin etgan D. Atadjanovning tadqiqoti o'rganilayotgan mavzu uchun muhim

<sup>60</sup> Жумаев Қ.Ж. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъати: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2003. – 158 в.

<sup>61</sup> Домбровски Г. Сюзани – вышивка из Средней Азии // Наследники Шелкового Пути. Узбекистан. Штутгарт, 1995. – С. 263-282.

<sup>62</sup> Қилічев Р. Бухоро шаҳрида хунармандчилик (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б.49.

<sup>63</sup> Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида. – Тошкент, 2013.– 440 б.

<sup>64</sup> Хакимов А., Гюль Э. Байсу. Атлас художественных ремёсел. – Ташкент, 2006. – 208 б.

ahamiyatga molikdir<sup>65</sup>. Tadqiqotchi O‘zbekistonning janubiy hududlari hunarmandchiligini o‘rganishni dolzarb muammolaridan biri sifatida baholagan.

Qashqadaryo vohasining XIX – XX asr boshlaridagi hunarmandchiligi tarixiga bag‘ishlangan M. Hamidova tadqiqotida vohadagi siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy hayot, hunar turlari tavsifi, ishlab chiqarish munosabatlarida hunarmandchilik uyushmalarining o‘rni, savdo aloqalarining voha hunarmandchiligiga ta’siri masalalari yoritilgan<sup>66</sup>. Jumladan, uning voha hunarmandchiligi turlari tavsifiga bag‘ishlangan qismida Qashqadaryo vohasidagi hunarmandchilikning eng yirik markazlari, hunar turlari, hunarmandchilik mahallalari to‘g‘risidagi ma’lumotlar, zamonaviy hunarmandlar bilan olib borilgan suhbatlar, kuzatuvlar va fotosuratlardan foydalanilganligi o‘rganilayotgan tadqiqot uchun o‘ziga xos ahamiyat kasb etadi. Biroq, ishda Surxondaryo vohasi hunarmandchiligi va boshqa hududlar hunarmandchiligi qiyosiy tahlili va transformatsiyasi borasida deyarli to‘xtalmagan. Shuningdek, o‘rganilayotgan tadqiqot davriy chegarasini to‘liq qamrab ololmaydi.

Tarixchi olim S. Tursunov va Q. Rashidovlarning “Boysun” kitobida Surxondaryo vohasi hunarmandchiligiga oid tarixiy hamda etnografik ma’lumotlar keltirilgan<sup>67</sup>.

O‘zbekistonning janubiy hududlari hunarmandchiligini o‘rganishda arxeologik tadqiqotlar o‘ziga xos o‘rin tutadi<sup>68</sup>. Jumladan, Naxshab hunarmandchiligining qadimgi va o‘rta asrlardagi tarixiga oid arxeologik ma’lumotlar “Naxshab hunarmandchiligi tarixi (V – IX asrlardagi kulolchilik, temirchilik va shishasozlik materiallari)” nomli kitobda yoritib beriladi<sup>69</sup>. Kitob Qashqadaryo vohasi hunarmandchiligini tadqiq qilishda muhim ahamiyatga ega bo‘lib, unda kulolchilik, temirchilik va shishasozlik haqidagi arxeologik ma’lumotlar keltiriladi.

Mustaqillik yillarida o‘zbek davlatchiligi tarixini yangicha konseptual nuqtai nazardan yaratishga alohida e’tibor qaratildi. Bu borada Termiz, Qarshi, Shahrisabz shaharlarining yubileylariga bag‘ishlab o‘tkazilgan xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya va simpoziumlarni alohida qayd etish joiz<sup>70</sup>. O‘zbekistonning janubiy hududlari shaharlari tarixi, shuningdek, zargarlik, zardo‘zlik, gilamdo‘zlik, kashtado‘zlik, misgarlik, yog‘och o‘ymakorligi sohalarining rivojlanishi, kasanachilik asosida hunarmandchilikni

<sup>65</sup> Атаджанова Д.Ш. Историография ремесленного производства Бухарского ханства XIX в (на основе изучения литературы и ремесленных уставов «Рисола»): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2008. – 176 с.

<sup>66</sup> Хамидова М. XIX – XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси хунармандчилиги тарихи.: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 142 в.

<sup>67</sup> Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 430 б.

<sup>68</sup> Ртвеладзе Э.В., Аминов М. Сурхондарё. – Тошкент: Комуслар бош тахририяти, 1996. – 58 б.; Сагдуллаев А, Аминов М., Якубов Б. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997. – 48 б.; Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 24 б.; Сулаймонов Р.Ҳ., Ртвеладзе Э.В., Аминов М. Сурхондарё. – Тошкент, 1996. – 58б; Сулайманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – С. 344.

<sup>69</sup> Исомиддинов М.Ҳ., Яркулов А.А. Нахшаб хунармандчилиги тарихи (V – IX асрлардаги кулолчилик, темирчилик ва шишасозлик материаллари). – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – Б. 215.

<sup>70</sup> Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Фан, 2001. – 196 б.; Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни: Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: Фан, 2006. – 246 б. ва б.

rivojlantirish va uning o‘ziga xos xususiyatlariga oid tadqiqotlar<sup>71</sup>, hunarmand ayollar faoliyati, ustalar tomonidan hunarmandchilikning yangi turlarini tiklanishi aks etgan davriy nashrlar ham e’tiborga loyiqdir<sup>72</sup>.

XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asrning boshlari va Sovet davrida hunarmandchilikning holati, hunarmandlarning ijtimoiy ahvoli yoritilgan tadqiqotlar ishni yanada boyitishda xizmat qilsa<sup>73</sup>, Buxoro amirligining siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy hayotida muhim o‘rin tutgan bekliliklar tarixiga oid ilmiy fikrlar aks etgan bir qator tadqiqotlarda janubiy hududlar hunarmandchiligiga oid ma’lumotlar uchraydi<sup>74</sup>.

O‘zbekiston o‘z mustaqilligiga erishgach, etnologik va tarixiy tadqiqotlarda ham qator amaliy ishlar bajarildi<sup>75</sup>. Ammo, mahalliy mualliflarning ishlarida haligacha tavsifiylik yetakchilik qilib kelishi bilan birga yangi uslubiy- nazariy yondashuvlar aks etgan ishlarni ko‘rish mumkin<sup>76</sup>.

<sup>71</sup> Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз, 1993. – 114 б.; Жўрақулов О., Эргашева Ж. Қашқадарё саноати тарихи. – Қарши: Насаф, 1996. – 90 б.; Аннаев Т, Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1997. – 67 б.; Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. – Термиз: Жайхун, 1997. – 113 б.; Ғофуров Ғ, Шоймарданов И., Тўхлиев Ж. Яққабоб тарихи. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 154 б.; Мирзаев Ж. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 120 б.; Ҳакимов Н., Жўрақулов О. Шахрисабз тарихи. – Қарши: Насаф, 2001. – 219 б.; Турсунов С. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 382 б.; Шахрисабзнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент: Фан, 2002. – 30 б.; Шахрисабз – минг йиллар мероси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 227 б.; Бойсун тарихи ва анъаналари. – Тошкент, 2005. – 343 б.; Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Қарши, 2006. – 184 б.; Турсунов С.Н. ва б. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Фан, 2008. – 304 б.; Ўша муаллиф. Денов. – Тошкент: Фан, 2009. – 493 б.; Ўша муаллиф. Жарқўрғон. – Тошкент, 2008. – 151 б.; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX). – Ташкент: Фан, 2012; Қобилов Э. Сурхондарё хўжалиги. – Тошкент, 2012; Турсунов С.Т., Пардаев Т. ва б. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. – Тошкент, 2013; Ўша муаллиф. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2014. – 356 б.

<sup>72</sup> Ўзбекистонда заргарлик буюмлари. – Тошкент, 1993. – 64 б.; Маҳматмуродов Ў. Ургут ва ургутликлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 80 б.; Мухторов А. Уста ва шогирд одоби. – Тошкент: Меҳнат, 1999. – 78 б.; Усмон Х., Шодиев Н., Абдурахмонова М. Марғилон хунармандлари. – Фарғона, 2000. – 32 б.; Акрамхўжаева М., Акрамхўжаева Р. Зардўзлик. – Тошкент, 2002. – 40 б.; Саъдиев З. Гижувон хунармандлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 132 б.; Алимқулова Д. Амалий безак санъати тарихи. – Тошкент, 2007. – 71 б.; Чориева Д. Қўнғиротларнинг анъанавий амалий санъати. – Қарши: Насаф, 2007. – 70 б.

<sup>73</sup> Эргашева Ж. История создания и развития промышленности Кашкадарьи: новые осмысление и выводы (1920-1990 гг.): Автореф. дисс. ... кан. ист. наук. – Ташкент, 1998; Мусаев Н. У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане (конец XIX – нач. XX вв.): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 1999; Тўхтаев А.Қ. Ўзбекистонда миллий хунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар): Тарих фан. номз. ... дисс. – Термиз, 2001. – Б. 159.

<sup>74</sup> Якубов Б.С. Шахрисабское и Китабское бекство во второй половине XVIII – 60-х гг. XIX вв.: Автреф. и дисс. ... канд ист.наук. – Ташкент, 1997; Авазов Ю.У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Жанубий-Шарқий бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2005; Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2006. – 47 б.; Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. – Тошкент, 2008. – 168 б.; *Холиқулов А.Б.* XIX – XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари.: Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Қличев О.А. Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ёзишмалар Россия ва Бухоро муносабатлари тарихини ўрганиш манбаси.: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2018.

<sup>75</sup> Узбеки. – М: Наука, 2011. – 688 с.

<sup>76</sup> Маҳкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в. – 30-е годы XX в.): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2009. – 49 с.; Зунунова Г.Ш. Трансформация материальной культуры узбеков Ташкента (XX – нач. XXI вв.): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2017. – 65 с.

O‘zbekiston “Hunarmand” uyushmasi va uning viloyatlardagi bo‘limlari hisobotlaridan kerakli o‘rinlarda foydalanildi<sup>77</sup>. Shuningdek, O‘zR FA Tarix institutining Etnologiya va antropologiya bo‘limi loyihalari hamda amaliy tadqiqot natijalaridan ham foydalanildi.

Tadqiqotning muhim davri bo‘lgan uchinchi davrda yaratilgan ishlar boshqa davr adabiyotlaridan farqli ravishda mafkuraviy yondashuvlardan holi bo‘lganligini aytib o‘tish mumkin. Bajarilgan ilmiy ishlarda u yoki bu yondashuvlar qo‘llanilganligi bayon qilinsa-da, ayni paytda chuqur tahlil mavjud emas. O‘rganilayotgan mavzuning belgilangan xronologik davr doirasida yoritilishi bu borada maxsus ilmiy tadqiqot yaratilmagan deb xulosa qilish imkonini beradi.

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикаси “Hunarmand” уюшмасининг 1998–2024 йилги ҳисоботлари.